07:00 "Янги алоқа"
07:15 Мультифилм
07:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий
дастури
07:50 "Бизнес репорт" иқтисодий-
таҳлилий дастури
08:00 "Хорик хабарлари"
08:05 "25-қалр" киноқўрсатуви
08:40 "Мушиқа вақти" дастури
09:00 "Худудий хабарлар"
09:05 "Ташаккур" (26-қисм)
09:45 "Мушиқа вақти" дастури
10:00 "Олинг худда беринг қуда"
10:05 "Супер келинчак" теле-шоу
11:00 "Хорик хабарлари"
11:05 "Сайёрагим сир- синоат-
лари" х/ф
11:40 "Мушиқа вақти" дастури
12:00 "Худудий хабарлар"
12:05 "Виконд" б/ф
14:00 "Яшан кайфият"
14:30 "Парламент: 5 дақиқа"
14:35 "Худудий хабарлар"
14:40 "Формум вақти"
15:00 "Худуд" ахборот-таҳлилий
дастури
15:20 "Хорик хабарлари"
15:25 "Қутлимган томоша"
15:35 "Мушиқа вақти" дастури
16:00 "Пойтахт хабарлари"
16:05 "Зумат кўчалар" т/с
16:45 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" теле-шоу викто-
ринаси
18:00 "Ташаккур" т/с (27-қисм)
18:30 "Болалар худуди"
18:45 Мультифилм
19:00 "Ешлар студияси: "Кела-
жик билан юзма юз"
19:15 "Мушиқа вақти" дастури
19:30 "Бизнес промо"
19:45 "Зумат кўчалар" т/с
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий
дастури
20:50 "Бизнес репорт" иқтисодий-
таҳлилий дастури
21:00 "Хорик хабарлари"
21:05 "Тошойна"
21:45 "Зарарланмиш" б/ф
23:45 "Мушиқа вақти" дастури
00:00 Тунги кинозал
02:00 Тунингиз хайри бўлсин!

Пайшанба

06:30 Мумтоз наволар
07:00 "Янги алоқа"
07:15 Мультифилм
07:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий
дастури
07:50 "Бизнес репорт" иқтисодий-
таҳлилий дастури
08:00 "Хорик хабарлари"
08:05 "Тошойна"
08:40 "Мушиқа вақти" дастури
09:05 "Ташаккур" (27-қисм)
09:45 "Бизнес промо"
10:00 "Пойтахт хабарлари"
10:05 "Дийдор ширин" дам олиш
кўрсатуви
11:35 "Хорик хабарлари"
11:40 "Мушиқа вақти" дастури
12:00 "Худудий хабарлар"
12:05 "Зарарланмиш" б/ф
14:00 "25-қалр" киноқўрсатуви
14:30 "Парламент: 5 дақиқа"
14:35 "Худудий хабарлар"

14:40 "Формум вақти"
15:00 "Худуд" ахборот-таҳлилий
дастури
15:20 "Хорик хабарлари"
15:25 "Қутлимган томоша"
15:35 "Мушиқа вақти" дастури
16:00 "Пойтахт хабарлари"
16:05 "Зумат кўчалар" т/с
16:45 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" теле-шоу викто-
ринаси
18:00 "Ташаккур" т/с (28-қисм)
18:30 "Болалар худуди"
18:45 Мультифилм
19:00 "Ешлар студияси: "Кела-
жик билан юзма юз"
19:15 "Мушиқа вақти" дастури
19:30 "Бизнес промо"
19:45 "Зумат кўчалар" т/с
20:25 "Оналик бахти" кўрсатуви
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий
дастури
20:50 "Бизнес репорт" иқтисодий-
таҳлилий дастури
21:00 "Хорик хабарлари"
21:05 "Тах.UZ"
21:45 "Жазо" б/ф
23:45 "Мушиқа вақти" дастури
00:00 Тунги кинозал
02:00 Тунингиз хайри бўлсин!

Жума

06:00 Мумтоз наволар
06:30 "Худудий хабарлар"
06:35 "Формум вақти"
06:45 Ешлар студияси: "Кела-
жик билан юзма юз"
06:55 "Оналик бахти" кўрсатуви
07:00 "Янги алоқа"
07:15 Мультифилм
07:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий
дастури
07:50 "Бизнес репорт" иқтисодий-
таҳлилий дастури
08:00 "Хорик хабарлари"
08:05 "Тах.uz"
08:40 "Мушиқа вақти" дастури
09:00 "Худудий хабарлар"
09:05 "Ташаккур" т/с (28-қисм)
09:45 "Бизнес промо"
10:00 "Пойтахт хабарлари"
10:05 "Буни ҳаёт дейдилар"
кўрсатуви
10:35 "Қутлимган томоша"
10:45 "Зарарланмиш" кўрсатуви
11:00 "Хорик хабарлари"
11:05 "Сайёрагим сир-
синоатлари" х/ф
11:40 "Мушиқа вақти" дастури
11:55 "Оналик бахти" кўрсатуви
12:00 "Худудий хабарлар"
12:05 "Жазо" б/ф
14:00 "Тошойна"
14:30 "Парламент: 5 дақиқа"
14:35 "Худудий хабарлар"
14:40 "Формум вақти"
15:00 "Худуд" ахборот-таҳлилий
дастури
15:20 "Хорик хабарлари"
15:25 "Қутлимган томоша"
15:35 "Мушиқа вақти" дастури
16:00 "Пойтахт хабарлари"
16:05 "Зумат кўчалар"
т/с (84-қисм)
16:45 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" теле-шоу викто-
ринаси
18:00 "Ташаккур" т/с (29-қисм)
18:30 "Болалар худуди"
18:45 Мультифилм
19:00 "Ешлар студияси: "Кела-
жик билан юзма юз"
19:15 "Мушиқа вақти" дастури
19:30 "Бизнес промо"
19:45 "Зумат кўчалар"
т/с (85-қисм)

20:25 "Оналик бахти" кўрсатуви
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий
дастури
20:50 "Бизнес репорт" иқтисодий-
таҳлилий дастури
21:00 "Хорик хабарлари"
21:05 "Қопқон" кўрсатуви
21:45 "Оналик бахти Райнини қут-
қаринг" б/ф премьера
23:45 "Мушиқа вақти" дастури
00:00 Тунги кинозал
02:00 Тунингиз хайри бўлсин!

Шанба

06:00 Мумтоз наволар
06:30 "Худудий хабарлар"
06:35 "Формум вақти"
06:45 Ешлар студияси: "Кела-
жик билан юзма юз"
06:55 "Оналик бахти" кўрсатуви
07:00 "Яшан кайфият"
07:00 "Худуд" ахборот-таҳлилий
дастури
07:50 "Бизнес-репорт" иқтисодий-
таҳлилий дастури
08:00 "Хорик хабарлари"
08:05 "Болалар соати"
09:05 "Ташаккур" т/с
(25,26,27,28,29-қисмлар)
11:55 "Оналик бахти" кўрсатуви
12:00 "Дийдор ширин" муси-
қий-дам олиш дастури
13:30 "Оналик бахти Райнини
қутқаринг" б/ф
16:00 "Мушиқа вақти" дастури
16:15 "Супер келинчак"
теле-шоу
16:45 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" теле-шоу
викторинаси
18:00 "Ларри Краун"
19:30 "Бизнес промо"
19:45 "Оналик бахти" кўрсатуви
19:50 "Овод шоу" кўнгилолар
кўрсатуви
21:30 "Биз учрашганимизда"
б/ф (Хидастон)
09:30 "Мушиқа вақти" дастури
09:45 Тунги кинозал
02:45 Тунингиз хайри бўлсин!

Якшанба

07:00 Мумтоз наволар
07:30 Информацион блок
08:00 Болалар соати
09:00 "Зумат кўчалар" т/с
(81,82,83,84,85 қисмлар)
11:30 "25-қалр" киноқўрсатуви
11:55 "Оналик бахти" кўрсатуви
12:00 "Овод шоу" кўнгилолар
кўрсатуви
13:00 "Биз учрашганимизда"
б/ф (Хидастон)
16:00 НТТда мусиқа
16:15 "Тошойна"
16:45 "Бизнес промо"
17:00 "Хазина" теле-шоу вик-
торинаси
18:00 "Зарарланмиш" б/ф
19:30 "Бизнес промо"
19:45 "Оналик бахти" кўрсатуви
19:50 "Comedy.UZ" теле-шоу
20:20 "Супер келинчак" теле-
шоу
21:00 "Дийдор ширин" муси-
қий-дам олиш дастури
22:30 "Қап қузи" б/ф
00:00 "Мушиқа вақти" дастури
00:15 Тунги кинозал
02:15 Тунингиз хайри бўлсин!

Янги почта маркалари

Қуrollи Кучларимизнинг 20 йиллигига бағишланади

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ томонидан тайёрланган "Ўзбекистон Республикаси Қуrollи Кучларига 20 йил" номли почта маркалари Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан 2012 йилнинг 3 январидан муомалага киритилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Қуrollи Кучларида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар натижасида Ўзбекистон давлат суверенитети химояси, ҳудудий бутунлиги ва фуқароларнинг осойишта турмуш тарзи тўлақонли таъминланмоқда. Мамлакатимизда тезкор, яхши жиҳозланган, замонавий талаблар-

га жавоб берадиган, юқори жанговар тайёргарликка эга армия тузилган.

Мамлакатимиз Қуrollи Кучларининг 20 йиллигига бағишланган туркум кичик варақ кўринишида чоп этилган. Кичик варақ 8та почта маркасидан иборат. Почта маркаларида Ўзбекистон Республикаси Қуrollи Кучларининг мустақиллик даврида қўлга киритган ютуқлари ва ривож тасвирланган.

Кичик варақнинг ўртасидаги купонда Ўзбекистон Республикаси Қуrollи Кучларининг 20 йиллигига бағишланган "Ватанга қасамёд" хайкали тасвирланган нишон жойлашган. Кичик варақнинг ҳошияларида жанговар ўқув машғулотлар фрагментлари тасвирланган ва юқори қисмида ўзбек тилида лотин алифбосида "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QUROLLI KUCHLARIGA 20 YIL" ёзуви жойлаштирилган.



Почта маркалари бир неча рангда ишланган. Офсет усулида босилган. Почта маркаларининг перфорацияси тарқсимон. Қоғоз оқ, силлик. Кичик варақнинг ўлчами 175x145мм. Почта маркаларининг ўлчами 42x30 мм. Адади — 10 миңг нусха. Дизайнери — У.Юсуپалиев.

Маркаларга идентификация рақамлари берилган ва номиналлари ўрнатилган.

- 1000. Ёш лейтенантнинг диплом олиши ва ота-онасининг табриги. Номинали — 200 сўм;
- 1001. Тантанали ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими. Номинали — 550 сўм;
- 1002. Ҳарбийлар оиласига янги уй қалитининг тантанали тақдими. Номинали — 700 сўм;
- 1003. Тоғли ҳудудда вертолётда жанговар ўқув машғулоти. Номинали — 900 сўм;
- 1004. Миномёт батареясининг ҳарбий ўқув машғулоти. Номинали — 1000 сўм;
- 1005. Ўзбекистон Республикаси Қуrollи Кучлари музейи ҳудудидаги "Ватанга қасамёд" хайкали фондида тантанали ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими. Номинали — 1200 сўм;
- 1006. Ўзбекистон Республикаси Қуrollи Кучлари Академияси талабаларининг ўқув жараёни. Номинали — 1900 сўм.
- 1007. Жанговар ҳарбий техника "Т-80" танкини бошқаришни ўрганиш жараёни. Номинали — 2150 сўм.

Pochta.uz

Маркаларнинг ранг-баранг олами

Маркалар турли ранг, ўлчамларга эга: баъзилари кичик, баъзилари эса йирик.

Қайси бирларида ёрқин суратлар, яна бирларида эса фақат матнлар бор, ҳолус.

Маркаларни, уларнинг почтадаги вазифасидан келиб чиқиб, тўрт асосий гуруҳга бўлиш мумкин: оддий почта маркалари, тўлов маркалари, маҳаллий ва ярим почта маркалари. Уларнинг фарқи нимада?

Оддий почта маркалари

Оддий почта маркалари — почта хизмати учун тўловни олдиндан амалга оширишда ишлатилади. Жўнатувчи, почта тарифидан келиб чиқиб, уларни хатжилдга ёпиштиради, хатни олувчи эса, табиийки, хат учун пул тўламайди. Оддий почта маркаларининг энг кўп таркагани стандарт маркалардир, одатда улар кичик ҳажмли бўлиб, адади катта бўлади.

Айрим мамлакатларда авиапочта учун махсус "ҳаво почтаси" маркалари чиқарилган. Бундай маркалар биринчи бўлиб Италияда 1917 йилнинг май ойида, кейинчалик 1918 йили Венгрия, АКШ ва Австрияда пайдо бўлган. Бу маркаларда самолёт тасвири ёки ўша мамлакат тилидаги "Air",



"Avion", "Luftpost", "Correo aereo" каби сўзларни учратиш мумкин.

Хатни манзилга иложи борича тезроқ етказиш учун экспресс почта маркалари ишлатилган: "Expres", "Correos entrega inmediata", "spesna", "бърса поща" ва ҳоказо.

Баъзи мамлакатларда идораларо хатларни етказиш учун ҳам махсус маркалар чиқарилган. Булар ҳам оддий маркалар бўлиб, уларнинг тепасида "official", "officiel", "service" (хизматга доир маъносини англатади) сўзларини учратасиз.

Булардан ташқари, хорижда жуда кўплаб оддий почта маркалари чиқарилган ва чиқарилмоқда: газета жўнатиш учун амалга ошириладиган маркалар; телеграмма жўнатиш учун махсус телеграф маркалари; темир йўл почта бўлимлари хизмати учун темир йўл маркалари, иш вақтидан ташқари етказиладиган хатлар учун маркалар, байрам маркалари ва ҳоказоларни санаб ўтиш мумкин.

Тўлов маркалари

Мабодо сизга хат марка ёпиштирилмаган конвертда келса нима бўлади? У ҳолда марка ўрнида "... сўм тўлансин" деган штемпелни кўрасиз... Бундай штемпел маркалари сони етарлича бўлмаган ёки умуман мавжуд бўлмаган хатларга урилади.

Биринчи тўлов маркалари 1859 йили Францияда, кейинчалик 1894 йили Австрияда пайдо бўлган. Одатда бундай "марка"ларнинг ўртасида тўлов қиймати кўрсатилади.

Маҳаллий почта маркалари

Давлат почта маркалари исталган масофадаги ҳам ички, ҳам халқаро тўловлар учун амал қилади. Маҳаллий почта маркалари, номи ҳам айтиб турганидек, маълум бир ҳудудда қўлланади. Улар кўп мамлакатларда жуда кўплаб ва турли-туман кўринишларда чиқарилгани учун уларни батафсил таърифлаш мушкул.

Ярим почта маркалари

"Ярим почта маркалари" атамаси Америкада пайдо бўлган. Бундай маркалар қисман почта мақсадларида ишлатилса-да, асосан бошқа мақсадларга хизмат қилади. Масалан, Қизил хоч жамғармаси маркаларини, кўнглили ёрдам, маданий жамғармалар ва бошқа кўплаб хайрия мақсадларига хизмат қилувчи ташкилотларнинг маркалари ана шулар сирасига киради. Қолаверса, баъзи бир компаниялар буюртмаси бўйича тайёрланадиган реклама маркалари ҳам шу йўсинда тоналанади.

Биз маркаларнинг почтадаги ролини кўриб чиқдик. Аммо улар яна бир муҳим вазифани бажарадики, бунга алоҳида тўхталмасак бўлмайди. Улар тарихий воқеаларни тарғиб қилади, буюк шахслар, маданий ёдгорликлар, табиат дунёсини ўзида акс эттиради. Улар бир сўз билан коммеморатив маркалар дея аталади.

Коммеморатив маркаларни ҳам бир неча турга ажратиш мумкин. Бу, биринчи навбатда, юбилейлар, турли саналар муносабати билан чиқарилган маркалар. Иккинчи яна бири тури — эсдалик маркалари, улар яқинда бўлиб ўтган ёки бўлажак воқеаларга бағишланади. Аксарият спорт мавзуларидаги, космосга оид маркалар бунга яққол мисолдир.

Умуман олганда, коммеморатив маркалар ҳам худди почта, ярим почта ва маҳаллий маркалар билан бир хил вазифани бажаргани учун бу гуруҳларга ҳам бевосита мансуб ҳисобланади. Агарда юбилей маркаси хайрия мақсадларида чиқарилган бўлса у — ярим почта маркасидир. Маълум бир ҳудуддагина ишлатилса, у ҳолда маҳаллий почта маркаси ҳисобланади. Қолган барча коммеморативлар оддий почта белгиларидир.

Интернет материаллари асосида тайёрланди

Видеоконференцалоқа хоналари

Кўпгина ривожланаётган мамлакатларда таълим соҳасида амалга оширилаётган янгилликлар бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Мамлакатнинг асосий ривожланиш пойдевори таълим ва илм-фанга боғлиқ. Мамлакатимизда таълим соҳасида қўлга киритилган бир қатор ютуқлар нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳон ҳамжамиятида ҳам муносиб баҳоланмоқда.

Бунинг сабаби битта, у ҳам бўлса таълимда қилинаётган ислохотлар ва изланишлардир. Олий таълим вазирлигининг буйруғига мувофиқ Ўзбекистон олий ўқув юртларида масофадан таълим бериш лойиҳаси яқунлаиб, видеоконференц хоналар барча институт ва университетларда фойдаланишга топширилди.

Видеоконференц хона — ҳар бир соҳа учун фақатгина юзма-юз мулоқот қилиш эмас, бугунги кунда масофадан таълим бериш имконини берадиган замонавий технологиялар билан жиҳозланган хонадир. Бу конференц хоналар орқали исталган киши дунё бўйлаб фақат мулоқот эмас, видеокўнриқларни ҳам амалга ошириши мумкин. Охириги ўн йилликда кўпгина соҳаларнинг тезкор ва юзма-юз мулоқотга бўлган эҳтиёжининг ошиши масофадан мулоқотнинг тараққий этишига олиб келди. Ўз навбатида, масофа-

дан таълим бериш ҳам ривожланди. Масалан, Шимолий Америкада, Европанинг кўпгина давлатларида ва Осиёда бу замонавий таълим тараққий этаётганини кўриш мумкин. Шу билан бир қаторда, бугун Ўзбекистонда ҳам видеоконференцалоқа йўлга қўйилган. Хоналарнинг ўлчамига мос равишда, ҳар бир университетда конференц хоналар бир-бирига ўхшамаган тартибда ташкил этилди. Ҳар бир хонада замонавий технологиялар: HD камера, карнай, микрофон, экран, видеотерминал, проектор ва сервер қурилмаларининг сўнгги моделларидан фойдаланилади. Олий ўқув юртлари UzNetга оптик толали кабеллар орқали уланган бўлиб, ушбу провайдер юқори тезликда маълумотларни узатиш ва қабул қилиш имкониятини беради.

Видеоалоқа хоналари талабалар ва профессор ўқитувчиларнинг бир вақтнинг ўзида



икки ёки ундан ортиқ университетлар билан илмий иш олиб боришлари учун янги имкониятлар эшигини очди ва шу билан бирга, уларга кўпгина қулайликлар яратди. Масалан, ҳамкор университет ва филиалларининг манбаларидан ўзaro фойдаланиш ҳамда бевосита тажриба алмашиш имконини берди. Бу эса талаба ва ўқитувчиларнинг таълим олиш жараёнларини жадаллаштиради,

электрон кутубхона имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, талабалар билан янги фикрлар алмашиш, қолаверса, жонли маърузаларда катнашиш имкониятини беради.

Видеоконференцалоқадан республика бўйлаб ўтказилган илмий йиғилишлар, муҳим учрашувлар ва халқаро таълимга оид анжуманлар тўғридан-тўғри университетларга олиб берилди ва улар бевосита

катнаша оладилар. Бунда вақт, пул ва масофа муаммолари хал қилинади ва кўп сонли катнашчилар иштирок этишлари мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, видеоконференцалоқанинг энг катта афзаллиги бу бошқа ҳамкорлар билан жонли алоқа қилишдир.

Бехоҳд МУҲИДИНОВ,
ТАТУ магистранти

Драйвер дастурлар — яқин кўмакчимиз

Компютер қурилмаларини харид қилганимизда, улар қадокланган идишга махсус дисклар солинган бўлади. Ана шу диск ёрдамида биз ўша қурилмаларни компютерда ишлашга сошлаб оламиз. Бу дисклар — драйвер дастурлардир.

Драйвер бошқарувчи дастур. Одатда, бу бажарилаётган дастурнинг маълум мослама билан ўзаро ишлашни таъминловчи ва ундан қулай фойдаланишга ёрдам берувчи амалий тизимнинг дастурдир. Масалан: клавиатура, дисплей, "сичқонча", принтер ва шу каби қурилмаларнинг драйверлари мавжуд. Драйвер дастурларнинг мосламага қаратилган буйруқларини қабул қилиб, мосламани бошқариш буйруқларига айлантиради. Шунингдек, у хизмат кўрсатаётган қурилмадан узилишларни аниқлаб, қайта ишлайди. Драйвер мосламанинг тузилишидаги хусусиятлар ва вақтнинг воқеий кўмагидаги ишлаш хусусиятларини ҳисобга олади.

Биз компютерга ўрнатган амалий таъминот таркибиде қайси мосламанинг драйвер дастурлари бўлса, бундай мослама компютерга улангандаёқ ишга тушади. Эътибор берсак, амалий таъминот таркибига кўлаб дисплейлар драйверлари киритилган бўлади. Ҳатто амалий таъминот ичиде бир қанча принтерларнинг ҳам рўйхати мавжуд. Улар ёрдамида рўйхатдаги принтерларни ҳеч қандай драйвер дисклардан фойдаланмай ҳам ўрнатишимиз мумкин.


Мосламаларнинг драйверлари компютер ёқилганда автоматик тарзда юкланиб, ундан кейин фойдаланувчи учун кўринмас тарзда бажарилади. Демак,

драйвер дастурлар доим ишга шай ҳолатда бўлади.

Драйвер дастурларни топишда интернет тармоғидан ҳам унумли фойдаланишимиз мумкин. Кўпгина машҳур фирмаларнинг ўз сайтларидан улар ишлаб чиқарган қурилмаларнинг драйвер дастурларини кўчириб олишимиз мумкин. Жумладан, www.drivers.uz сайтга ташриф буюрсак: мониторлар, "сичқончалар", клавиатуралар, модемлар, CD ва DVD қурилмалар, принтерлар, сканерлар, ноутбук компютерлари учун алоҳида драйверлар ва турли ишчи дастурларни ҳам кўчириб олишимиз мумкин. www.devid.info ҳам ана шундай веб-сайтлар қаторига киради.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда ҳар бир ташкилот, корхона ва муассаса компютерлаштирилмоқда. Бирок бу ундан фойдаланувчилар фақатгина офис илова дастурларини билиш билан чекланишлари кифоя дегани эмас. Иш фаолиятига жорий қилинаётган ҳар бир янги қурилмани фойдаланувчининг ўзи компютерга ўрнатиб олса, бу ҳам молиявий томондан тежамкорликка, ҳам иш унумдорлигини оширишга, вақтдан унумли фойдаланишга олиб келади.

Знейхиддин ЎКТАМОВ,
ТАТУ Фарғона филиали талабаси



Яқингача ҳам компютерлар ажойиб ихтиро саналар эди. Бугунги кунда эса улар кундалик ҳаётимизнинг оддий бир қисмига айланди.

Виртуал ҳақиқат

Ҳозирги кундаги энг сўнгги янгиллик бу — виртуал ҳақиқатдир. Виртуал ҳақиқат тизими фойдаланувчининг инсон танасининг ички қисми ёки Гавайи оролларидаги чўмилиш хавзалари каби экзотик жойларга олиб бориши мумкин. Виртуал ҳақиқат тизими ҳозирча ўз ривожланишининг бошланғич босқичларидадир. Айни вақтда ажабтовур дунёни кўриш учун бошингизга махсус бош кийими кийиш, у ерда кўриб турганингиз нарсаларни бошқариш учун эса қўлингизга махсус қўлқоп кийиш керак бўлади. Махсус бош кийимидаги икки линза шундай тасаввур уйғотадики, экран сизни ҳар томонлама қўраб олгандек ҳиссиётини туясиз. Сиз компютер орқали буюмларни кузатишингиз ва атрофини айланиб, турли нуқтаи назардан ўрганишингиз мумкин.

Ҳозирда виртуал ҳақиқат тиббиётда ҳам қўлланилмоқда. Шифохонада жарроҳлар инсон танасига зиён етказмаган ҳолда унинг миёсига, юра-

гига ёки ўпкаларига "саёҳат" қилиб, жарроҳлик амалиётини режалаштириб олишлари мумкин. У яна ҳарбийлар тайёрловчи мактабларда ҳам ишлатилмоқда. Ўқувчилар мактабда улкан пирамидаларни ёки молекулаларни ичидан турган ҳолда ўрганишлари мумкин. Виртуал ҳақиқат асосчиларининг айтишларича, унинг имкониятлари чексиздир.

Виртуал ҳақиқатни тасвирлаш учун энг мос сўз бу — симулятордир (тасаввурдаги ҳақиқат). Виртуал ҳақиқат технологияси учувчилар машқ қилишда ишлатиладиган учуш симуляторини эслатади. Бу технологиянинг устунликлари билан бирга камчиликлари ҳам бор албатта. Ёвуз қўлларда виртуал ҳақиқат қўлга киритиб бўлмас ҳаёт йўлида фойдаланишга сабаб бўлиши ҳеч гап эмас.

Оқила ИСРОИЛОВА,
Фарғона 2-тиббиёт коллежи ўқитувчиси

САМАРҚАНД РАДИОТЕЛЕВИЗИОН УЗАТИШ МАРКАЗИ: КЕЧА ВА БУГУН

Эллингчи йилларнинг бошларида Тошкент телемаркази қурилиши бошланиб, 1956 йилда Марказий Осиёда ягона бўлган телемарказ иш бошлади.

Шу билан бир вақтда Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари йўналишларида телерадиоэшиттиришларни кенгайтириш ишлари бошлаб юборилди. Бунинг учун Тошкент шаҳридан 180 км. узокликда, Жиззах вилоятининг Ғаллаорол тумани Қўйтош қўрғончаси яқинида, тоғда, денгиз сатҳидан 1905 м. баландликда Тошкент шаҳридан телевидение сигналларини қабул қилиш имконияти бўлган нуқта аниқланди.

Қўйтош кон бошқармаси раҳбарлари ёрдамида, кон ишчилари ва Кабел-радиореле магистраллари бошқармаси мутахассислари томонидан қисқа муддатларда электр энергиясини узатиш тармоғи ва вагон типидagi уйча қурилиши, қабул қилувчи ва узатувчи антенналар ўрнатилган кичикроқ мачта ва ТРСО-56 русумли телеузатгични монтаж қилиш ишлари ташкиллаштирилди. Ишга тушириш-созлаш ишлари ўтказилгандан сўнг, 1959 йилда Қўйтош радио ва телевидение узатиш станциясидан (РТС) Жиззах, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари аҳолисининг бир қисми учун теледастурларни узатиш бошланди.

Катталиги жиҳатидан республикада иккинчи бўлган Самарқанд шаҳри Қўйтош РТСдан тўғри чиқиб бўйлаб 80-90 км. масофада бўлганлиги сабабли шаҳарда телевидение сигналнинг сифати етарли эмас эди. Самарқанд Давлат университети раҳбарияти ва бир гуруҳ кизикувчан талабаларнинг ташаббуси билан университет томига телесигналларни қабул қилувчи антенна ўрнатилди. Қабул қилинаётган сигнал анча турғун бўлиб, сифати ҳам юқори эди. Кейинчалик университет биносига Қўйтош РТСдан қабул қилинган телесигнални қайта узатувчи телевидение ретранслятор ўрнатилди. Олиб борилган изланишлар натижасида 1960 йилнинг бошларида Самарқанд аҳолиси сифат жиҳатидан юқори бўлган телекўрсатувларни томоша қилиш имкониятига эга бўлди. Самарқандда сифатли телекўрсатувлар 1960 йил охирида, янги қурилатган РТС Чўпонота — РТС Қўйтош ўртасида "Стрела-1М ва РМ-24 ускуналари ёрдамида бир томонлама радиореле тизими қуриб битказилгандан сўнг пайдо бўлди. Қўйтошда Тошкент РТСдан эфир орқали қабул қилинган сигнал радиореле тизими орқали Чўпонота РТСга узатилиб, у ерда ўрнатилган қуввати 20 Вт бўлган ТРСО-20 телеузатгичи орқали Самарқанд шаҳри ва вилоят аҳолиси

учун эфирга узатила бошланди.

1960 йили Олтинтопан-Славянка-Қўйтош юқори нуқталарида Р-60/120 ускуналари асосида оралик радиореле тизимлари қурилиши бошлаб юборилди. 1963 йилнинг 1 ноябрида Ўзбекистон Алоқа вазирлигининг қарори билан Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида телерадиоэшиттиришларни ривожлантириш, теле ва радио қурилмаларни ишлатиш мақсадида, Кабел-радиореле магистраллари бошқармаси қошида Самарқанд худудий кабел-радиореле магистраллари бошқармаси ташкил этилди. Шу вақтдан бошлаб Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари учун телерадиоэшиттириш дастурларини узатувчи каналлар, халқаро телефон каналларини ташкил этиш мақсадида, Р-60/120 радиореле ускуналари асосида янги Тошкент-Қўйтош-Бухоро, Қўйтош-Лангар-Бухоро радиореле тизимлари қурила бошланди.

1974 йилдан бошлаб Самарқанд худудий кабел-радиореле магистраллари бошқармаси Республика магистрал алоқа ва телевидение техник тугуни номига ўзгартирилди. 1980 йил январидан эса Республика магистрал алоқа ва телевидение техник тугуни Радио ва телевидение узатиш маркази (РТУМ) номи билан атала бошланди.


1983-1987 йиллар мобайнида Самарқанд радио ва телевидение узатиш маркази таркибиди Каттақўрғон ва Нуробод РТСлари, Жиззах шаҳрининг Қўйтош РТС телерадиосигналларини қабул қила олмайдиган қисми аҳолиси учун Жиззах РТС ташкил этилиб, бу РТСларга учта республика теледастурини тарқатиш учун "РЦТА-70", "РПТДА-70" русумли телеузатгичлар ўрнатилди.

Мустақиллик йилларида моддий ва маънавий жиҳатдан эскирган лампали, электр энергияни кўп сарфловчи ТВ ва РВ узатгичларни замонавий ярим ўтказгичли узатгичларга алмаштириш ишлари бошлаб юборилди.

2005-2006 йилларда Япония компанияларнинг кредитлари асосидаги "ЈВБС" лойихаси бўйича РТУМнинг барча РТСларига 7та "РСN-1605" на "СТУ-100/1М" телеузатгичлари ўрнатилиб, ишга туширилди.

2006 йилнинг октябр ойидан бошлаб Самарқанд РТУМга ХХРнинг "Эскимбанк"и кредити асосида тузилган "Йўлдошли алоқа тизимларидан фойдаланиб телерадиоэшиттиришларни ташкил этиш" лойихаси бўйича телерадиоузатгичларни етказиб бериш бошланди. 2006 йилнинг ноябр-декабр ойларида РТУМ мутахассислари томонидан узатгичларни монтаж қилиш, сошлаш ва ишга тушириш ишлари бажарилди. Шу давр мобайнида:

- Самарқанд вилоятининг бориш қийин бўлган, тоғли худудларида 26та ТВ ва 26та узатгич ўрнатилди;
- Жиззах вилоятининг бориш қийин бўлган, тоғли худудларида 28та ТВ ва 28та FM узатгич ўрнатилди;
- моддий ва маънавий жиҳатдан эскирган узатгичларни замонавий узатгичларга алмаштириш, РТСларда узатилмаётган Ўзбекистон телерадиокомпанияси телерадио дастурлари сонини ошириш мақсадида Самарқанд вилоятидаги РТСларга 4та (Каттақўрғон-2, Нуробод-2) 100Втлик ТВ узатгич ва 2та (Нуробод) 100 Втлик FM узатгичлар ўрнатилиб, ишга туширилди.
- Самарқанд вилоятининг Чўпонота РТСида қуввати 1000 Втлик 3 дона ТВ узатгич ва қуввати 1000 Втлик 2 дона FM узатгичлар ўрнатилиб, ишга туширилди.
- Жиззах вилоятининг Қўйтош РТСида қуввати 1000 Втлик 2 дона ТВ узатгич ва қуввати 1000 Втлик 3 дона FM узатгичлар ўрнатилиб ишга туширилди;
- Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги Учма аҳоли масканида қуввати 10 Втлик 1 дона ТВ узатгич ўрнатилди.



Рақамли узатгич орқали ҳозирда тўртта давлат канали: "Ўзбекистон", "Ёшлар", "Спорт", "Тошкент"; учта нодавлат телерадиокомпаниялар дастурлари: "ТВ Марказ", "НТТ", "Софт ТС" ва бешта хорижий дастур тарқатилмоқда.

2006-2009 йиллар мобайнида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази ёрдамида Самарқанд ва Жиззах вилоятларида Самарқанд РТУМ мутахассислари томонидан 69та ТВ ва 67та РВ узатгичлар ўрнатилди.

Самарқанд радиотелевизион узатиш марказида 30 йилга яқин меҳнат қилган ва ҳозирда марказ раҳбари Рўзиқул Шамиев шундай дейди:

— Самарқанд РТУМда телерадиоэшиттиришлар тарқатилишини ривожлантиришда ўзининг улкан хиссаларини қўшган фахрийлар кўп. Кекса авлод вакилларида Борис Борухов, Марк Фелдкорен, Василий Гришутов, Владимир Нинштил, Шукрилло Нуриллаев, Константин Жалалов, Тохир Иброхимов, Мамашариф Иброхимов, Тамара Давликанова, Йўлдош Мавлоновларни ёшларнинг тажрибали мураббийси, устози сифатида кўрсатиш мумкин. Бугунги кунда эса иқтидорли ёшларимиздан Чўпонота РТСдан 1-тоифали муҳандис Сергей Юмагулов, катта электромеханик Руслан Абляев, Қўйтош РТСдан катта электромеханик Илхом Жалиловлар ўз ишининг усталаридир.

2010 йилнинг август ойи охирида Самарқанд РТУМнинг Чўпонота РТСида қуввати 2,3 кВт бўлган, 42 телевидение каналда ишловчи, NV 8604V русумли рақамли узатгич ўрнатилиб, ишга туширилди. Самарқанд шаҳри ва вилоят аҳолиси битта узатгич орқали 12та теледастурни юқори сифат билан томоша қилиш имкониятига эга бўлди.

Рақамли узатгич орқали ҳозирда тўртта давлат канали: "Ўзбекистон", "Ёшлар", "Спорт", "Тошкент"; учта нодавлат телерадиокомпаниялар дастурлари: "ТВ Марказ", "НТТ", "Софт ТС" ва бешта хорижий дастур тарқатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги "2011-2015 йилларда инфратузилма, транспорт ва коммуникацион қурилишнинг ривожланишини жадаллаштириш тўғрисида"ги қарори асосида 2013 йилда Самарқанд РТУМнинг Чўпонота РТСга яна битта рақамли узатгич ўрнатилиб, ишга туширилади.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
"Xabar"нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги "2011-2015 йилларда инфратузилма, транспорт ва коммуникацион қурилишнинг ривожланишини жадаллаштириш тўғрисида"ги қарори асосида 2013 йилда Самарқанд РТУМнинг Чўпонота РТСга яна битта рақамли узатгич ўрнатилиб, ишга туширилади.

Шербоевлар сулоласи

ELDA AZIZ INSONLAR

ОТА

Ешлик — тезокар дарё, оқаркан — кетаркан. Мундоқ қараса, қора сочлар қумушранга кирибди-қолибди. Рафикаси билан уч ўғил, тўрт қизни солих инсонлар қилиб тарбиялаб қаторга қўйдилар. Айниқса, Тўлкинжон қўлидан касбини олгани соз бўлди-да, барака топкур. Ўн бир йилдан буён Ожар алоқа бўлимида бошлик. Ох демай, вох демай ишляпти. Ваҳоланки осон эмас. Хеч қимни норози қилиш мумкин эмас. Минг хил феъл-атворга минг хил муомалаю мадора керак. Ўғлини ўрнига тайёрлаб фахрийликка қабаётган қулларда "Қўловинга қуюб ол" қабилида кўп ўғиллар берди: Кўнгил тори нозик, бир сўз билан узилса, милён ширин сўз билан улай олмайсан. Энг аччиқ гапни ҳам йўриги билан чўчук қилиб айтқи, ўзинг ҳам, у ҳам омон қолади.

Шукри, иш бошлагандан буён ҳали орқасидан бирон бир нохуш гап эшитмади. Аксинча "Азамат ўзингизга тортибди, — дейишди таниш-билишлар. — Ҳаммага меҳрибон. Ким нимага мухтожлигини билади, баҳоли қудрат ёрдам қилади. Яқинда ҳамқасби Эргашали Усмонов ҳам "Топганлари тўйларга буюрсин", дея дуолар айлади.

Ана шундай дамларда кўнгил осмонлари ёришиб кетади. Икки йил аввал боқий дунёга сафар қилган аёли Нуринсаси кўз ўнгидан бир-бир ўтади. Чехрасидан нур балқиб "Шукр, шукр" дея пичирлаётгандек бўлади. Зеро, руҳлар хаминша ҳозир дейдилар.

ЎҒИЛ

Тўлкинжон Тошкент кооператив техникумини тугаллаб келган кунларда дадаси фахрийликка чиқадиган бўлиб қолади. Туман алоқа тармоғида "Тўхлиной ака, ўрнингизга ўғлингизни тайёрланг, бизни кадр излаш, назорат қилиш ташвишларидан халос қилин", дейишибди. Ахир ота касбини эъзозлаганининг савоби-саодати мўл. Ўзингиз ро-

ҳатини-рағбатини кўрарсиз". Айтганларидек, мана неча йилки, раҳматини эшитиб қувониб юрибди. Роҳат деганлари бундан ортиқ бўлармиди.

Алоқачи бўлишдек масъулиятни бўйнига олган кун отаси шундай деганди: Бировнинг ҳақини ема. Тушундингми? Яхши бўлиш аста-аста, ёмон бўлиш бир пастда. Почта "об-хавоси"ни ишдан игнасиғача биламан. Мени асло-асло алдай олмайсан.

Дастлаб бу насихатлар унга эриш туюлганди. Наҳот вояга етган одам ҳам йўлидан адашса! Кейин кўрдик, почтачиликнинг синовлари жуда кўп экан. Дош берган бор, дош беролмаган бор. Хар тугул уни худо кам қилмади, адаштирмади. Элу юрт олдида юзи ёруғ. Шунчаки йўл-йўриқ сўраб келадиганлар кўпки, улар ўзларига зарур маслаҳатни эшитганда шундай миннатдор бўлиб кетишадик, асти қўяверасиз. Бу ҳам савоби улуг яхшилик, албатта. Почтачини ўз оиласи азбосидек кўришларига бир ёрқин мисолда бу. Ота касбини ардоқлаб, хурмат топаётгани учун, Дилмуроджон, Бахромжон, Акмалжон каби шогирдларининг ҳам касбга астойдил меҳр қўйганлари учун хар қанча севинса арзийди.

Ҳа, яхшилик қилиб, яхшилик кўриб яшаш нақадар бахт. Илоҳим, учовлон ўғли ҳам яхшиликлар кетидан қувадиган бўлишин.

НЕВАРАЛАР

Кўпинча Тўхлиной ота йигирма нафардан зиёдрок неваралар курсовида қолади. Улар бири-бирдан ширин, бири-бирдан зукко. Болажонлар даврасида ўзини ўн ёшларга яшаргандек ҳис этади. Ахборот технологиялари тўғрисида унча-мунча эшитиб қолади. Бир вақтлар илк марта коммутаторни, қулоқчин таққан телефончи қизларни кўрганда, хайратдан оғзи очилиб қолгани кечагидай ёдида. Айни кунда улар-



нинг Данғара почта алоқаси тармоғида 5та, алоқа бўлимларида 3та компьютер билан ишлашгагани, тўловлар терминалларда қабул қилинаётгани ҳам ота-хонни беҳад хайратга солади. Аммо неваралари айтадиган янгиликлар энсасини қотиради.

— Бобожон, биласизми, — дейди коллежда ўқийдиган невараси Тиловодди. — Бир қарсақ чалсангиз чирок ёнади, бир қарсақ чалсангиз ўчади. Ёки эшикдан киришингиз билан чирок ёнади, чикиб кетишингиз билан ўчади! Қалай, зўри?

— Бе, шунинг нимаси зўр! Йўқдан бор қилиб ёруғлик чиқариб берса, бошқа гап эди!

Неваралар кула-кула қотадилар.

— Сизни сира хайрон қолдириб бўлмайди! Бозор ёки супермаркетларда юрар экансиз, смартфонингиз бўлса, керакли тугмани босасиз-да, уйдаги совуттингизда нима бор, нима йўқ — шунга қараб савдо қилаверасиз. Бу янгилик-чи, сизга ёқадими?

— Ёпирай, одам деган ҳам совуттинчида нима борлигини билмайдим!

Яна болажонлар қикир-қикир куладилар.

— Уйларни тозалайдиган роботлар,

масофадан бошқариладиган чангюттичлар бор. Шуни эшитганмисиз?

— Эшитишни ҳам хоҳламайман. Ясама одам ҳам одамини? Кўнглингдагидек иш қилармиди у? Дангасалар-ей, нималарни ўйлаб топишмайди-я!

Бу сафар невараларнинг кулгиси қистамади.

— Йўқ, бобожон, бу техниклар ногиронлар ва жуда қартайиб қолган қимсасиз бечоралар учун ниҳоятда керак.

Бу гал невараларнинг ақлига ичида тасанно айтса-да, ташида астойдил қойган бўлди:

— Боринлар, очик ҳавода копток тепинглар, уйда ўтиравериб бошни қотириб ташладиларинг! Қани марш!

Бу гап хориждаги тоғаси билан "сотка"да виртуал мулоқотга киришган Тиловоддига ёқма-да, "Хайруло тоғам сизга салом деяпти", дея ёшида давом этганча аста ташқарига йўналди.

Ўн йиллар ўтар, эвараларинг янгиликларни айттавериб сизларни бошларингизни қотирар. Майли, бу ҳаёт қонуни-ку!

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
"Xabar"нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

Касбим менинг — фахрим менинг

Наманган филиалида кейинги йилларда жуда кўп яхши ўзгаришлар бўлди. Корхонамизда паррандачилик, балиқчилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш йўлга қўйилди. Картошка, олма бенул, тухум, балиқ ва товуқ бозор наҳидан сезиларли даражада арзон нархда корхонамиз ишчи-хизматчиларига тарқатилмоқда. Албатта, бу қилинаётган ишлар алоқа ходимларини қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилаётганидан дарах беради.

Филиалда олиб борилаётган ташиқилий ишлардан яна бири шундан иборатки, филиал бир гуруҳ техник-муҳандис ходимлари инглиз тили курсини битирди.

Ойлик маошларимиз ўз вақтида бериляпти, тузилган кунларни ўтказишда ҳам ҳеч бир ходим эътибордан четда қолмайди. Жамоамиздаги ўзаро аҳилликни кўриб шукр қиламан, оқибат, эътибор кучли, биз бир оиламиз.

Амалга оширилаётган ташиқилий ишлар ва маданий дам олиш билан бир қаторда, фарзандларимиз учун қилинаётган гамхўрликларнинг ҳам-

маси соҳа ходимлари фарзандларининг келажакда эл-юрт учун фойдала қасб эгалари бўлиб етишишига яна бир туртки бўлади. Шу йил ёзда фарзандларимизнинг бир гуруҳи Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида **К О Ў Л А Ш Г А Н** "Алоқачи" дам олиш масканида **Ў** ҳордиқ чиқариш

ҳамда болалар спорти бўйича беллашиш учун бориб келишиди. Айниқса, у ерга кетишдан аввал Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Ш.Тоштемиров болалар билан алоқида-алоҳида суҳбат ўтказди. Болаларни келажакда алоқа соҳасига муносиб кадр бўлиб етишишига руҳлантириб, Ватанимиз учун керакли инсонлар бўлишлари учун имкониятлар яратилаётган бир даврда ўзлигини яхши томондан кўрсатиб, муносиб йигит-қизлар бўлиб етишишларини, уларга ўзига бўлган ишончини йўқотмаслигини айтиб гамхўрлик билан дам олишга қузатганларини ўғлим фахр билан ҳозиргача эслайди. Ўғлим ўша пайтларни эслар экан, у мени алоқачи касбига ишлаётган-

нимдан жуда фахрланиб гапирди. Бу мен учун жуда қувонarli ҳолат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 6 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги 1516-

қарорига асосан, Наманган вилоятининг Наманган шаҳар, Поп, Чуст, Косонсой туман марказларида Ягона ойна хизмат кўрсатиш марказлари очилиб, мижозларга қулайликлар яратилди. Келгуси йилда яна шундай марказларни Янгиқўрғон, Уйчи, Учқўрғон, Чортоқ ва Норин туман марказларида очиб режалаштирилган.

Президентимизнинг Наманган вилоятига қилган ташиқилийи биз алоқачиларга ҳам қувонч бағишлади. Намунавий уй-жой олиш бахтига сазовор бўлдик. Узоқ муддатли кредит асосида олинаётган уй-жой учун солиқдан озод бўлишимизни эшитиб, шундай имкониятлар яратилганлигидан қувондик. Бу Юртбошимиз-

нинг бизга кўрсатаётган гамхўрликлари белгисидир. 2010-2011 йилларда Наманган вилоятида амалга оширилаётган ўзгаришлар бизни янада яхши ишлаб, Ватанимизга муносиб кишилар бўлишимизга ундайди. 2012 йили Президентимиз томонидан Мустаҳкам оила йили деб эълон қилиниши эса мен каби бахтли оилалар учун яна бир қувончли байрам бўлди. Мен "Ўзбектелеком" АК Наманган филиалида халқнинг узоғини яқин қилиб, кечаю кундуз, баъзан оғир шароитларда алоқачи касбини эъзозлаб келётган алоқа ходимлари билан бир сафда меҳнат қилаётганлигимдан фахрланаман.

Бизни интернет, дунё ахборот технологияси янгиликлари ҳамда республикамиздаги касбдошларимиз ҳаётидан ва алоқа соҳасидаги ўзгаришлардан ўз вақтида хабардор қилаётган "Xabar" газетаси тахриратни фаолиятига ривож тилайман.

М.ИБРОҲИМОВА,
"Ўзбектелеком" АК Наманган филиали диспетчери

Оилалар саломатлиги — келажагимиз кафолати

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Ота-она ва болалар муносабатлари уйғунлиги ва улар амалга оширадиган вазифаларнинг ўзаро мувофиқлигига ва мувозанатига асосланган оила мустахкам оиладир. Эр-хотин, ота-она ва фарзандларнинг ўзаро мухаббати, бурч ва мажбуриятларига асосланган оила барқарор бўлади.

Оилада сингдирилган тарбия ёш авлоднинг мурғак қалбида бир умр мухрланиб қолади. Тарбиянинг барча кўришилари, шу жумладан, эстетик тарбия ҳам кенг камровли бўлиб, инсонда эстетик онг ва дил, гўзалликларни кўриб-билишни ўргатиш орқали шакллантирилади. Оиласида дастлабки эстетик тарбия топган инсон гўзаллик ва нафосатни хунуклик ва кўполликдан ажрата бошлайди, табиат ҳамда воқеа-ходисалардаги эстетик сифатларни идрок этиб, беғараз завқланишни ўрганади.

Соғлом ижтимоий-маънавий мухитда тарбия топган болалар Ватан равнақи учун ўз хиссасини қўша оладиган, жамият манфаатини ўз манфаати билан мутаносиб олиб борадиган ҳақиқий инсон бўлиб етишади. Бунинг учун эса ўша авлоднинг тарбияладиган ҳар жиҳатдан етук, соғлом, мустахкам бўлган оилани вужудга келтириш керак.

Президентимиз соғлом турмуш тарзи ақидалари ўзбек халқининг миллий кадрларидан бири эканлигини таъкидлаган ҳолда шундай деган эди: "Ҳеч шубҳа йўқ: соғлом авлод орузи аждодларимиздан бизга қон-қонимизга сингиб кетган муқаддас интилишдир. Агар ота-боболаримизнинг турмуш тарзига, тафаккурига



назар солсак, улар насл-насаб, етти пуштининг тозаллигига, авлоднинг соғлиғига жуда катта эътибор берганини кўра-миз".

Соғлом насл соғлом жамият асосини ташкил этади. Соғлом жамият ва соғлом насли эса соғлом турмуш асосларини илмий тадқиқ этмай туриб шакллантириб бўлмайди.

Соғлом турмуш тарзи замирида, биринчидан, инсон жисмоний саломатлиги ва камолоти, иккинчидан, инсон маънавий ва мафкуравий саломатлиги, унинг шахс сифатида тўла камол топиши мўжассамдир.

Республикаимизда оилавий спортни ривожлантириш ва оммалаштириш, ҳар бир оилани соғломлаштирувчи спорт турларига кенгрок жалб этиш, улар саломатлигини тиклаш, миллат генофондини мустахкамлаш, ёшларнинг жисмонан ва руҳан соғлом бўлиши соғлом

Ибн Синонинг таъкидлашича, саломатликни сақлаш учун биринчи гада куйидаги етти тадбирни амалга ошириш керак:

- 1) киши миҳозини мўътадил ҳолга келтириш;
- 2) ейиладиган ва ичиладиган нарсаларни тўғри танлаш;
- 3) одам гавдасининг тўғри тузилишини сақлаш;
- 4) танани чиқиндилардан тозалаш;
- 5) нафас олинмаган ҳавони етарли ва яхши қилиш;
- 6) танага ва мавсумга мувофиқ кийим танлаш;
- 7) жисмоний ва руҳий ҳаракатларни мўътадил қилиш.

турмуш соҳасидаги долзарб вазифалардан биридир.

Юртбошимиз И. Каримов "Спортнинг миллий генофондини яхшилаш, ижтимоий муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш, миллатнинг гуруҳий-фитхорини кўтариш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва бошқа соҳалардаги аҳамияти бениҳоя каттадир" деб эътироф этгани бежиз эмас.

Оилавий спортни оммалаштиришдан асосий мақсад, оила аъзоларининг саломатлигини мустахкамлаш, ҳар бир оилада соғлом турмуш тарзини, жисмоний ва тиббий маданиятни тўлақонли шакллантиришдир.

Жисмоний ҳаракат орқали оила аъзоларининг саломатлигини таъминлаш дозимлиги бизга тиббиёт оламининг султони, буюк аллома Абу Али ибн Сино бобомиздан меросдир. Ибн Сино соғлиқни сақлаш ишини санъат, деб атайди. Унинг вазифаси ҳар хил фойдали тадбирларни қўлаб, одамларни табиий ўлим ёши-

гача етказишдир, деб таъкидлайди.

Ибн Сино бадантарбиянинг аҳамияти ҳақида сўзлаб, мўътадил равишда ва ўз вақтида бадантарбия билан шуғулланувчи киши касалликларни даволашга муҳтож бўлмайди, деган. Олим бадантарбия машқларини куйидаги усулларга бўлган: кичик ва катта, кучли ва кучсиз, тез ва секин, суст ва шиддатли. Бундан ташқари, бадантарбиянинг куйидаги турларини кўрсатган: тез юриш, югуриш, сакраш, қиличбозлик, камондан ўқ узиш, отда юриш, қўл ва оёқ билан ҳар хил ҳаракатларни қилиш, човгон ўйини, коптоқ ўйини, тош кўтариш, найза санчиш. Бундан инсоннинг ёши, жинси, куввати, имконияти ва соғлиқ даражаси ҳисобга олинади. Ибн Сино бадантарбия турлари қаторига уқалаш (массаж)ни ҳам киритган. Унинг кўрсатишича, уқалаш тўрт хил — мўътадил, кучли, кучсиз ва давомли хилларга бўлинади. Кучлиси гавдани бақувват қилади, кучсизи юмшатади, давомлиси оздиради, мўътадил танани яйратади.

Дарҳақиқат шундай экан, ҳар бир оила аъзолари ўзларига мос ва қулай бўлган бадантарбия машқлари, юриш, югуриш, арқончидан сакраш каби жисмоний ҳаракатлар ва соғломлаштирувчи спорт турлари, яъни сузиш, бадий гимнастика, волейбол, шунингдек, рақс тўғарақларида мунтазам шуғулланишлари, уларнинг саломатликларини учун фойдадан холи эмас экан.

Анъанага айланиб мунтазам равишда ўтказилиб келинаётган оилавий спорт мусобақалари оилалар саломатлигини таъминлаш, оилавий спортни ривожлантириш ва оммалаштиришга ёрдам бериш билан бирга, иктидорли спортчиларни танлаб олишга имконият яратмоқда. Спорт билан мунтазам шуғулланган оилаларнинг фарзандлари соғлом ва бақувват бўлиб, ўзлари танлаган спорт турлари бўйича халқаро ва республика миқёсида ўтаётган нуфузли мусобақаларнинг совриндорлари бўлишмоқда.

Бугунги кунда полвонлар, футболчилар, теннисчилар, кўпқаричилар сулоалари мавжуд.

А.САЛАЕВ,
Хораам вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси йўриқчиси

Қисқа сатрларда:



26 январ куни Вадим Абрамов мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси БАА миллий терма жамоасига қарши ўртоқлик ўйинида майдонга тушади. Бош мураббий миллий ва олимпия терма жамоаларини умумлаштирган ҳолда, 30 нафар футболчи билан бугун Тошкентда йнги бошлайди. 17 январ куни эса Кувайт миллий терма жамоасига қарши ўртоқлик ўйини бўлиб ўтади. Кувайтдан тўғри Амирликларга йўл оладиган вакилларимиз БАА синовида бўлишади.

Жаҳондаги футбол ҳакамлари фаолиятини таҳлил қилиб, баҳолаб борадиган Worldreferee.com сайти ФИФА рефериси Равшан Эрматовни 2011 йилги футбол мавсумининг "Энг яхши ҳаками", деб эълон қилди.

Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари — Сервер Жепаров ва Одиля Аҳмедов Goal.com сайти томонидан 2011 йилги мавсум якуслари бўйича Освэ китъасининг энг кучли футболчилари қаторига киритилди.

Покистоннинг Исломобол шаҳрида бокс бўйича ўтказилган нуфузли халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари олти олтин, уч кумуш, икки бронза, жами ўн бир медал жамғариб, умумхисобда биринчи ўринни эгаллади.



Австралиянинг Брисбен шаҳрида ўтказилган "Brisbane International" халқаро теннис турнирида дунёнинг кучли ракетка усталари қаторида Ўзбекистонлик Денис Истомин ҳам бош соврин учун курашмоқда. Теннисчиниз яқинлик беллашувларини ғалаба билан бошлади. У германиялик Флорриан Маерни мағлуб этди.



Утқаларнинг оқирати оёқ бўлиши

"Республика махсус алоқа боғламаси" давлат унитар корхонаси жамоаси Жиззах вилояти махсус алоқа боғламасининг собиқ бошлиғи, махсус алоқа соҳаси меҳнат фахрийси **Нарзикул ИРГАШЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.


Оила саломатлигини мустахкамлаш учун ҳар бир оилада куйидагиларга эътибор берилиши тавсия этилади:

- оиланинг ҳар бир аъзоси 5-7 дақиқа эрталабки бадантарбия билан шуғулланиши;
 - эрталаб оила аъзолари соғломлаштирувчи югуришни бажариши;
 - меҳнат қилиш ва ўқиш жараёнларида 3-5 дақиқа тетиклантирувчи машқларни бажаришлари;
 - кечки овқатдан кейин эса оилавий сайр этиш, яъни камида 1-2 км юриш.
- Юқоридаги жисмоний кўникмаларни кун тартибига киритсагина, оила аъзоларининг саломатлиги мустахкамланиб, турмуш тарзига боғлиқ бўлган 50-55 фоиз касалликларнинг олди олинади.

Кроссворд



1. Омбор вазифасини ўтовчи кичикроқ хона, хужра. 2. Қаттиқ ёғочдан тайёрланадиган юпка тахтача. 3. Амир Темур мансуб туркий уруф. 4. Майин ипақдан тўқилган мато. 5. Бойчибор, Фирот, ... 6. Тезлик, жаҳд. 7. Расмий ёзма хужжат тури. 8. Нарса, ҳодиса ва шу кабиларни моҳият, қонуният ва бошқа омиллар асосида текшириш, ўрганиш. 9. Қаттиқдан ажраладиган суюқлик. 10. Кимёвий модда. 11. XV асрда Италияда пайдо бўлган калта ханжар тури. 12. Ҳимоя қуроли. 13. ... Ислом — 1899-1976 йилларда яшаб ижод қилган бенгал шоири. 14. Ресторан, бар ходими. 15. XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошларида яшаб ижод қилган атоқли ўзбек шоири. 16. Жуда иссиқ, куйдирувчи. 17. Ўзбек уруғларидан бири. 18. Афсонавий қуш. 19. Навоий асари қаҳрамони. 20. ...лар — Ўрта асрларда Мисрда туркий ва кавказ халқлари ўсмирларидан шакллантирилган миллий гвардия.



Тузувчи: С.Темир

Сабаб

Бир жувон эримдан ажрашаман, деб судянинг олдига келибди.
— Хўш, нима учун эрингиз билан ажрашмоқчисиз, — сўрабди судя.
— Эрим кечкурун ётиб олиб сигарета чекади.
— Бу ажрашиш учун асос бўлмайди, ҳамма эркалар ҳам чекади.
— Сабаб бўлади. Чунки эрим чекади, бу ҳам майли, уйқусираб кулоғимни кулдон қилади! — дермиш жувон.

Чала иш

— Ўғлинг яна чўнтагимга тушиб, пул ўғирляпти, — эр хуноб бўлиб хотинига шикоят қилди.
— Нега энди бунини ўғлимдан кўрасиз... — хотини ўғлининг тарафини олибди. — Балки пулни мен олаётгандирман...
— Бўлиши мумкин эмас, — дебди эр.
— Нега энди?
— Чунки чўнтагимда унча-мунча пул қоляпти. Сен бир иш қилсанг чала қилмайсан.

Табриклаймиз!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Тошлоқ ва Укўйрик почта алоқаси тармоқлари ходимлари Хосиятхон ТОЖИБОВЕВА ҳамда Мухторжон УМРЗОҚОВларни 55 ёши, Яниқўрғон ва Ровон почта алоқаси тармоқлари ходимлари Болтабой БОЙБОВЕВ ҳамда Раҳмонжон ЮСУПОВларни 50 ёшини қарши олаётганлари билан самимий табриклайди. Уларга энг эзгу тилакларни изҳор этади.

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси 22-27-АТСлар бошлиғи Аббосхон АЪЗАМОВни муборак 60 ёши, Фарғона шаҳар ва Фарғона туман телекоммуникациялар боғламалари ходимлари Маширабжон ИИЕЗМАТОВ ҳамда Қумушхон САЛМОНОВАларни 50 ёши тўлишлари муносабати билан чин дилдан қутлайди. Уларга узоқ ва бахтли-саodatли умр тилайди.

Қорақалпоғистон Республикаси махсус алоқа боғламаси жамоаси боғлама ходими Жетес МАТНЕНОВни муборак 60 ёши билан чин юракдан табриклайди. Унга узоқ умр, соғ-омонлик, фарзандлар камолини кўришлигини тилайди.

Сиз ҳеч бир коса сутда нималар бор экан деб ўйлаганмисиз? Сутда 3,4 фоиз оксиллар, 4,7 фоиз сут шакари ва 0,7 фоиз минерал моддалар мавжуд экан. Сутдаги оксил моддалар бу казеин, албумин ва глобулинлар бўлиб, казеин моддаси сутга оқ тусни беради. Шунингдек, сут калций, фосфор, натрий, калий, олтингугурт каби моддаларга бой. Сутли махсулотлар тайёрланаётган пайтда бу моддалар муҳим рол ўйнайди. Масалан, сутда калций моддаси кам бўлса, яхши пишлок тайёрлаб бўлмайди. Агар сутда фосфор моддаси етарли бўлмаса, консерваланган куюқ сутни асло тайёрлаб бўлмас экан. Аниқроқ рақамларга эътибор берадиган бўлсак, 1 кг сутда — 125 г. тўйимли моддалар, 38 г. сут ёғи, 33 г. сут оксили (казеин), 47 г. сут шакари, 7 г. минерал моддалар ва куйидаги витаминлар бор: Вс-қон айланишини яхшилайдиган, В1 асаб тизимини мустахкамлайди, С тиш ва милкларни мустахкамлайди, В2 организмни ўстиради ва ривожлантиради, В3 теридида модда алмашинувини равланштиради ва сочни ўстиради,

Шифобахш сунт



РР терини меъерий ҳолатга келтиради, В12 қон айланишини яхшилайдиган, А кўриш қобилиятини равланштиради, D организмда минерал моддалар алмашинувини яхшилайдиган ва суюқларни ўстиради ва мустахкамлайди. E организмда модда алмашинувини меъёрлаштирувчи, F нафас йўлларини тозаловчи, ҳамда К-қон таркибини соғломлаштирувчи каби витаминлардир.

Пиллоқда тешикчалар қаердан пайдо бўлади?

Агар ертўлада сузма кўпроқ сакланилса, ачиш натижасида пишлокка айланади. Яъни, сузмага кириб қолган вируслар карбонат ангидрид ишлаб чиқаради ва бу газлар таъсирида сузма сирти ёрилади ва пишлок сиртида тешикчалар пайдо бўлади.

Пиллоқ нима учун узоқ бузилмасдан туради?

Пиллоқ ташқи томондан мустаҳкам қатлам, қаттиқ пўстлоқ билан ҳимояланган ва бу пўстлоқ пиллоқнинг қуриб ва бузилиб қолишига йўл қўймайди, шунингдек, пишлокнинг ўзи ачиш жараёни натижасида вужудга келган бўлади.

Швецарияда шундай бир одат бор. Бола туғилган куни катта пишлок тайёрлаб, унинг устига боланинг исми, туғилган куни, ойи ва йилини ёзиб қўяр эканлар.

Ҳасан ШУКУРОВ,
"Ўзбектелеком" АК "ТТ" филиали етакчи муҳандиси

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусанд КҮЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Ҳаким МУҲИДИНОВ (Хайъат раиси), Асадхон ХҲҲАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУХАМЕДОВ, Сувои НАҲБИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир уринбосари), Луғфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгалигига қайтаришмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Мавзю: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-152 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қўғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 18261 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Аслиддин БҮРИЕВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80 Бухорода 223-27-85 Гулистонда 40-12-19 Жиззахда 226-06-34 Навоийда 225-91-10 Наманганда 226-61-85 Нукусда 554-35-45 Самарқандда 233-61-81 Термизда 224-06-12 Тошкентда 288-40-66 Урганчда 226-37-16 Фарғонада 224-91-56 Қаршида 314-08-99